



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal







AVICENNA-MED.UZ





12 (74) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

Ш. Ж. ТЕШАЕВ, А. Ш. РЕВИШВИЛИ

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ

А.А. АБДУМАЖИДОВ

Р.Б. АБДУЛЛАЕВ

Л.М. АБДУЛЛАЕВА

А.Ш. АБДУМАЖИДОВ

М.А. АБДУЛЛАЕВА

Х.А. АБДУМАДЖИДОВ

Б.З. АБДУСАМАТОВ

М.М. АКБАРОВ

Х.А. АКИЛОВ

М.М. АЛИЕВ

С.Ж. АМИНОВ

Ш.Э. АМОНОВ

Ш.М. АХМЕЛОВ Ю.М. АХМЕДОВ

С.М. АХМЕДОВА

Т.А. АСКАРОВ

М.А. АРТИКОВА Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)

Е.А. БЕРДИЕВ

Б.Т. БУЗРУКОВ

Р.К. ДАДАБАЕВА

М.Н. ДАМИНОВА

К.А. ДЕХКОНОВ

Э.С. ДЖУМАБАЕВ

А.А. ДЖАЛИЛОВ

Н.Н. ЗОЛОТОВА

А.Ш. ИНОЯТОВ

С. ИНДАМИНОВ

А.И. ИСКАНДАРОВ

А.С. ИЛЬЯСОВ

Э.Э. КОБИЛОВ

A.M. MAHHAHOB

Д.М. МУСАЕВА

Т.С. МУСАЕВ

М.Р. МИРЗОЕВА

Ф.Г. НАЗИРОВ Н.А. НУРАЛИЕВА

Ф.С. ОРИПОВ

Б.Т. РАХИМОВ

Х.А. РАСУЛОВ

Ш.И. РУЗИЕВ

С.А. РУЗИБОЕВ

С.А.ГАФФОРОВ

С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)

Ж.Б. САТТАРОВ

Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)

И.А. САТИВАЛДИЕВА

Ш.Т. САЛИМОВ

Д.И. ТУКСАНОВА

М.М. ТАДЖИЕВ

А.Ж. ХАМРАЕВ

Д.А. ХАСАНОВА

А.М. ШАМСИЕВ А.К. ШАДМАНОВ

Н.Ж. ЭРМАТОВ

Б.Б. ЕРГАШЕВ

Н.Ш. ЕРГАШЕВ

И.Р. ЮЛДАШЕВ

Д.Х. ЮЛДАШЕВА

А.С. ЮСУПОВ

Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ

М.Ш. ХАКИМОВ

Д.О. ИВАНОВ (Россия)

К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)

DONG JINCHENG (Китай)

КУЗАКОВ В.Е. (Россия)

Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)

В.А. МИТИШ (Россия)

В И. ПРИМАКОВ (Беларусь)

О.В. ПЕШИКОВ (Россия) А.А. ПОТАПОВ (Россия)

А.А. ТЕПЛОВ (Россия)

Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)

А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)

С.Н ГУСЕЙНОВА (Азарбайджан)

Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan) Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

тиббиётда янги кун новый день в медицине **NEW DAY IN MEDICINE**

Илмий-рефератив, матнавий-матрифий журнал Научно-реферативный, духовно-просветительский журнал

УЧРЕДИТЕЛИ:

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»

Национальный медицинский исследовательский центр хирургии имени А.В. Вишневского является генеральным научно-практическим консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных изданий, рецензируемых Высшей Аттестационной Комиссией Республики Узбекистан (Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)

Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)

А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)

Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)

Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)

У.К. КАЮМОВ (Тошкент)

Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)

А.А. НОСИРОВ (Ташкент)

А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)

Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)

Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

12 (74)

ноябрь

www.bsmi.uz https://newdaymedicine.com E:

Тел: +99890 8061882

ndmuz@mail.ru

Received: 20.11.2024, Accepted: 03.12.2024, Published: 10.12.2024

УДК 664.1

КАНДОЛАТЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ЖАРАЁНИ ГИГИЕНАСИ

Бафоев Азизбек Хусен ўгли <u>https://orcid.org/0009-0007-1345-1395</u>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

√ Резюме

Мақола қандолатчилик корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёни гигиенасига бағишланади. Унда қандолат махсулотлари ишлаб чиқаришдаги гигиена талаблари, хавфсизлик чоралари, ходимларнинг гигиенаси, ишлаб чиқариш жараёнининг гигиенаси, санитария-гигиена талаблари ва уларнинг ахамияти хакида батафсил маълумот берилади. Маколада кандолатчилик корхоналаридаги гигиена талабларининг бузилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган хавфлар ва зарарлар хам кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, мақолада қандолатчилик корхоналаридаги гигиена талабларини яхшилаш учун қўлланиладиган самарали чора-тадбирлар хакида хам маълумот берилади.

Калит сўзлар: қандолатчилик корхоналари, ишлаб чиқариш жараёни, ишлаб чиқариш гигиенаси,

ГИГИЕНА ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ПРОЦЕССА КОНДИТЕРСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Бафоев Азизбек Хусенович https://orcid.org/0009-0007-1345-1395

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

√ Резюме

Статья будет посвящена гигиене производственного процесса на кондитерских предприятиях. В ней будет представлена подробная информация о гигиенических требованиях, мерах безопасности, гигиене работников, гигиене производственного процесса, санитарногигиенических требованиях и их значении при производстве кондитерских изделий. В статье также будут освещены риски и вред, которые могут возникнуть в результате нарушения гигиенических требований на кондитерских предприятиях. Кроме того, в статье будет представлена информация об эффективных мерах, которые можно предпринять для улучшения гигиенических стандартов на кондитерских предприятиях.

Ключевые слова: кондитерские предприятия, производственный процесс, гигиена производства.

HYGIENE OF THE PRODUCTION PROCESS OF CONFECTIONERY ENTERPRISES

Bafoev Azizbek Khusenovich https://orcid.org/0009-0007-1345-1395

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1 Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: <u>info@bsmi.uz</u>

✓ Resume

The article will focus on the hygiene of the production process in confectionery enterprises. It will provide detailed information about hygiene requirements, safety measures, employee hygiene, production process hygiene, sanitary-hygiene requirements, and their significance in the production of confectionery products. The article will also highlight the risks and harms that may arise due to violations of hygiene requirements in confectionery enterprises. Moreover, the article will provide information about effective measures that can be taken to improve hygiene standards in confectionery enterprises.

Key words: confectionery enterprises, production process, production hygiene.



Долзарблиги

Озиқ - овқат хавфсизлигини таъминлаш тизими ижтимоий - иқтисодий вазият, табиий-иқтисодий салоҳият, мамлакат ва алоҳида минтақалар аҳолисининг тўлов қобилияти, миллий бозорнинг импортга қарамлик даражаси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ер ресурларидан оқилона фойдаланиш, агросаноат мажмуасининг ривожланиши каби бевосита таъсир этувчи жараёнлар билан узвий боғлик. Шу жиҳатдан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий сиёсатда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлиш билан бирга иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик ҳамда давлат мустақиллигининг асосий шартларидан биридир. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, "Озиқовқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро эксперт тадқиқотлари жаҳонда ва унинг айрим минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келаётгани жиддий ташвиш ва хавотир уйғотаётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур муаммо жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторига киритилмоқда".

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бир томондан, агросаноат ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш, иккинчи томондан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳоли даромадларини ошириш билан боғлиқ бўлган макроиқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун муаммолар ечимини ишлаб чиқишда бозор механизмлари билан биргаликда давлат назоратини ҳам эътиборга олиш зарур. Шу нуқтаи-назардан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тизимини шакллантиришнинг усул ва услубиётини ва турли иерархик даражаларда таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, миллий ва минтақавий жиҳатдан баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Мавзуга оид адабиётларнинг тахлили: Айни пайтда озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасининг ягона таърифи мавжуд эмас ва куплаб тадкикотчилар «озик-овкат мустақиллиги», «озиқ-овқат муаммоси», «озиқ-овқат таъминоти» каби талқинларда ўзларининг тузатишлари ва қўшимчаларини киритиб келмоқдалар. Шу жиҳатдан, озиқ-овқат хавфсизлиги назарияси хозиргача тўлик ёритиб берилмаган хамда унинг мохиятини тушунтириш бўйича турлича ёндашувлар мавжуд. Е.В.Серованинг фикрича, озик-овкат хавфсизлиги меъёрий хаёт тарзини ўтказиш учун зарур бўлган озик-овкат махсулотлари билан ахолининг асосий кисмини таъминлаш даражасини билдиради. В.С. Балабанов ва Е.Н.Борисенколарнинг фикрича, озиковкат хавфсизлиги – ишлаб чикарилган махсулотларни соғлик учун безарарлигини таъминлаган холда мамлакатнинг озик-овкатга бўлган талабини муайян даврда исътемол ва захираларни яратиш асосида қондирилишини кафолатлашдир. К.В.Фролов, А.В.Гордеев, О.А.Масленникова ва бошқа тадқиқотчилар томонидан озиқ-овқат хавфсизлигига қуйидагича таъриф берилади: мамлакат фукароларини хаётий зарур ва фойдали озука махсулотларига бўлган эхтиёжларини керакли хажм ва ассортиментда ўз манбалари оркали таъминлашдир. А.А.Анфиногентова, О.В.Ермолаева, Н.А.Киреева ва бошкалар ўзтадкикотларида озик-овкат хавфсизлигини аниклаш мумкин бўлган қуйидаги 3та иерархик даражага эътибор қаратади:

- глобаль озиқ-овқат хавфсизлиги ахоли жон бошига тўғри келадиган буғдой захираси ва уни ишлаб чиқариш хажми билан изохланади;
- давлат даражасидаги озиқ-овқат хавфсизлиги миллий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг импортта нисбати, озуқа маҳсулотлари истеъмолида импортнинг улуши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган минимал даромад ва озиқ-овқат маҳсулотлари баҳоларидаги ўзгаришлар билан аникланади;
 - минтақавий озиқ-овқат хавфсизлиги аҳоли даромадлари ва озиқ-овқат истеъмоли ҳажми ҳақидаги маълумотлар орқали ўлчанади.

А.А. Кудряшова ва О.П. Пресняковалар фикрича, озик-овкат мустакиллигига эришган мамлакатлар ўз ахолисини жорий истеъмоли ҳамда фавкулоддаги ҳолатлар ва максадлар учун захираларни миллий ишлаб чикариш тармоклари ҳисобидан тўлик таъминлай оладилар. Ушбу мамлакатлар —Канада, Янги Зеландия, АҚШ, Франция, Германия, Италия ва Испанияда озиковкат маҳсулотларининг 80-90 фоизи ишлаб чикарилади. Шунингдек, кўплаб тадкикотчилар давлатнинг озик-овкат мустакиллиги аҳоли истеъмолининг умумий ҳажмида миллий ишлаб чикаришнинг ҳиссаси 80 фоиздан кам бўлмаган такдирдагина таъминланади, деб ҳисоблайдилар. И.Ю.Ленчевский ўз тадкикотларида озик-овкат хавфсизлигининг минтақавий жиҳатларига эътиборни қаратади. Жумладан, минтақавий озик-овкат хавфсизлиги минтақавий даражада ҳал

килинадиган вазифаларга, минтаканинг кишлок хўжалиги озик-овкат махсулотлари ишлаб чикариш бўйича мавжуд салохияти ва имкониятларига, озик-овкат махсулотлари билан ўзиниўзи таъминлаш ва импортга қарамликни камайтиришга боғликдир. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича кўплаб тадкикотлар олиб борилган. Жумладан, Х.П.Абулкосимов ва Б.Э.Мамарахимовнинг тадкикотларида, озик-овкат хавфсизлиги мамлакат ахолисини озик-овкат махсулотлари билан ўзини-ўзи, мустакил таъминлашга колирлигини ифолалайли. А.А.Исаджановнинг фикрича, мамлакатлар ичида озик-овкат хавфсизлиги холати ва чегараларини аниклашда миллий озик-овкат хавфсизлиги моделини ташкил этувчи, турли хусусият ва мезонларни қамраб олувчи етарли ва мақбул овқатланишнинг физиологик меъёр ва кўрсаткичлари асос бўлувчи услубий ёндашувлардан фойдаланиш мақбулроқдир. Ч.Муродов ва Х.Я.Саатоваларнинг тадкикотлари Ўзбекистонда озик-овкат муаммосини хал этиш барча даражаларда самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришни назарда тутади, бу ўз навбатида бозор иктисодиёти шартларига жавоб берадиган ва озик-овкат хавфсизлигининг зарур даражасини таъминлайдиган аграр протекционизмнинг аник чораларини қабул қилишни талаб қилади. К.Маткаримов ва И.Махкамовларнинг фикрича, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш деганда, минтакада мавжуд ресурслардан унумли ва окилона фойдаланиш орқали фан-техника ютуқларига асосланган холда, ахолини озиқ-овқат махсулотларига бўлган эхтиёжларини қондириш демакдир. Ф.М.Фазилов олиб борган тадкикотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон озик-овкат хавфсизлигини таъминлашда экспортга йўналтирилган хамда импорт ўрнини босишга қаратилган стратегияларнинг уйғунлаштирилган холда олиб борилиши, мамлакат ахолиси истеъмол даражасига ижобий таъсир курсатади ва пировард натижада озик-овкат хавфсизлигини узлуксиз таъминлайди. Д.Н.Саидова фикрича, озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат ахолисининг асосий озиқ-овқат махсулотлари билан етарли даражада ички имкониятлардан фойдаланган холда таъминланишини, импортга боғликликни минимум даражасига эришишни ифодалайди.Мавжуд қарашларнинг назарий тахлили замонавий иқтисодиётда озиқ-овқат хавфсизлигига икки хил ёндашув хакида сўз юритишга имкон беради. Биринчи ёндашувда ахолининг фаол хаёт кечириши учун озик-овкатни зарур микдор ва сифатда, кафолатланган холда қўлга киритилишини таъминлашзарурлигига урғу берилади. Бунда ўзўзини таъминлаш билан бирга импорт ёки жахон захираларидан фойдаланиш каби таъминот усуллари мухим, деб қаралади. Иккинчи ёндашувда қишлоқ хўжалиги ишлаб чикариши ва унга боғлиқ тармоқларни қўллаб-қувватлашга, мамлакатда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат турлари импортига бож ва квоталар жорий этишга эътибор қаратилади.

Тадкикот методологияси

Тадқиқот жараёнида дедукция, таснифлаш, умумлаштириш ва қиёслаш каби назарий услублардан фойдаланилган. Айниқса, ретроспектив усул орқали "озиқ-овқат хавфсизлиги" тушунчасининг шаклланиш босқичлари, тарқалиши, маълум бир бутунлик ва тизимлилик касб этиши ўрганилган. Тадқиқот учун зарур меъёрий-хукуқий ҳужжатлар конструктив, статистик маълумотларни жамлаш, типологик таҳлил усуллари орқали тадқиқ этилган.

Тахлил ва натижалар

"Озиқ-овқат хавфсизлиги" тушунчаси XX асрнинг ўрталарида шаклланди. Шу билан бирга, бу концепциянинг мазмун ва мохиятини тушунтиришда қийинчиликлар мавжуд бўлиб, кўплаб аникликлар киритилмокда. Айникса, "озик-овкат хавфсизлиги" тушунчасига санитарэпидемиологик, физиологик, экологик, аграр, хукукий, сиёсий, иктисодий ва бошка сохаларнинг ўзига хос назарий ёндашувлари мавжуд бўлиб, 200 дан ортик тушунча ва 450 дан ортик кўрсаткич билан изохланади. Озик-овкат махсулотлари ишлаб чикариш ва истеъмол килишда глобаллашув даражасининг таъсири янги назарияларни вужудга келтирмокда ва "озик-овкат хавфсизлиги" тушунчаси ўзгариб бормокда. Бу эса мамлакатлар ривожланишнинг барча боскичларида кўп киррали муаммо хисобланиши ва унинг мазмунини доимий тўлдириш ва модификация килиш заруратини билдиради. "Озик-овкат хавфсизлиги" тушунчасига аниклик киритишда тарихий-иктисодий жихатдан куйидаги боскичларни белгилаш ёки ретроспектив тахлил килиш мумкин: Биринчи боскич (1940-1960 йиллар). Иккинчи жахон уруши кўплаб мамлакатларнинг кишлок хўжалигига зарар етказди ва озик-овкат махсулотларини ишлаб чикариш ҳажми кескин камайди. Айникса, собик Иттифокнинг 1950 йилдаги кишлок хўжалиги ишлаб чикариши 1940



йилдагидаражада қайта тикланди. Натижада қишлоқ хўжалигини тиклаш ва урушда зарар кўрган давлатларнинг озик-овкат импортига боғликлигини камайтириш учун кишлок хўжалиги ва озик-овкат сохасида махсус халқаро ташкилот ташкил этиш зарурати рўёбга чикди. Озик-овкат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалиги муаммолари халқаро майдонда мухокама қилина бошланди. Бу даврда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қишлоқ хўжалиги учун яроқли табиий ресурсларни хисобга олган холда озик-овкат махсулотлари ишлаб чикаришни зарур даражасига эришиш муаммосига эътибор каратилди. Мамлакатнинг озик-овкат хавфсизлигини таъминлашда ички ишлаб чикаришни ривожлантириш зарурати юзасидан куриб чикилди ва миллий хавфсизликнинг устувор йуналиши сифатида эътибор берилмади. 1943 йили Хот Спрингсда (АҚШ) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Озик-овкат ва кишлок хўжалиги ташкилоти (ФАО)"ни ташкил этиш максадида 46 мамлакат вакиллари иштирокида халқаро конференция бўлиб ўтди. Бунда миллий кишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озик-овкат махсулотлари учун таъриф тўсикларни кискартириш каби тавсиявий хусусиятга эга бир катор таклифлар кабул килинди. Шунингдек, ФАО учун низом тайёрлаш, унинг функциялари ва ваколатларини белгилаш доирасида вактинчалик комиссия тузилди. Вақтинчалик комиссия йиғилиши Вашингтонда икки йилдан зиёд вақт мобайнида ўтказилди. 1944 йил вактинчалик комиссия томонидан конференцияда иштирок этган мамлакат вакилларига ФАО низомининг лойихаси такдим этилди. Низом лойихасига аник белгиланган иккита нуктаи назардан каралди. Бир томондан, келажакда халкаро ташкилот очликнинг олдини олиш ва кишлок хўжалигини ривожлантиришга, иккинчи томондан, статистика органи вазифаларини бажаришга, дунёдаги озиковкат ва кишлок хужалиги холати хакидаги маълумотларни туплаш ва кайта ишлаш, бу ташкилотга аъзо давлатларга тегишли тавсиялар беришдан иборат эди. Шу билан бирга, баъзи мамлакатлар ўз манфаатларини инобатга олган холда жахон резервларини яратиш ва уларни таксимлаш билан шуғулланадиган агентликни ташкил этиш истагини билдиришди. Аммо бу жихат низомда акс этмади. 1945 йилда ФАО конференциясининг таъсис йигилиши Канаданинг Квебек шахрида булиб утди. Ушбу сессияда вактинчалик комиссиянинг фаолиятини тўхтатиш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озик-овкат ва кишлок хўжалиги ташкилоти низомини кабул килиш тўғрисила карор кабул килинди. Собик Иттифок мажлисда иштирок этган булса-да, лекин ФАО функциялари билан боғлик принципиал масалалар бүйича таклифлар киритмаганлиги сабабли, Совет Иттифоки үшбү низомга имзо чекмади. Дастлаб, янги ташкилотнинг бош идораси Вашингтонда (АКШ) бўлиб, 1951 йилда Римга (Италия) кўчиб келди. 1950-60 йилларда озик-овкат ва кишлок хўжалиги сиёсати асосан буғдой ва гуруч етиштириш ва сотишни қайта тиклашга қаратилган эди. Ушбу даврда буғдойнинг асосий экспортчилари булган мамлакатлар дунёда қашшоқликни йуқотишга қаратилган озиқ-овқат ёрдами дастурлари хам мавжуд эди. Иккинчи боскич (1970-80 йиллар) 1973 йили БМТнинг Бош Ассамблеясида умумжахон озиқ-овқат конференциясини ўтказиш зарурати билан бошланди. Бундай қарорга келишнинг асосий сабаби 1972 йилдаги ноқулай иқлим шароитида озиқ-овқат ресурслари кискаринни. 1973 йилги ғалла хосилининг кутилмаган ларажала пасайини ва нархларнинг ошини жахон озик-овкат инкирозига олиб келди. Шу муносабат билан 1974 йилда Италиянинг Рим шахрида 134 давлатлар иштирокида умумжахон озик-овкат конференцияси бўлиб ўтди. Бунда жахон микёсида тегишли микдор ва сифатда озик-овкат етишмаслиги тахдиди, очлик ва туйиб овкатланмасликни тугатиш, "озик-овкат хавфсизлиги" атамасини жорий этиш ва уни тан олиш тугрисидаги умумжахон декларацияси қабул қилинди ҳамда конференциянинг тавсиясига биноан ФАОнинг "Жаҳон озиқовқат хавфсизлиги қумитаси" ташкил этилди. Шунингдек, "озиқ-овқат хавфсизлиги" атамасидан "озиқ-овқат истеъмолининг барқарор ўсишини таъминлаш хамда ишлаб чиқариш хажми ва нархларнинг ўзгаришларини қоплаш учун асосий озиқ-овқатларнинг дунёда етарли жамғармалари хар доим мавжудлиги" сифатида фойдаланиш таклиф килинди. 1983 йил иккинчи жахон озик-овкат инкирози даврида ФАО "Жахон озик-овкат хавфсизлиги кумитаси" нинг сессиясида озик-овкат хавфсизлиги тушунчаси қайта кўриб чиқилди ва кенгайтирилган концепцияни тасдиклади.

Ушбу концепцияга "ҳар доим жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан эга бўлиш" тушунчаси киритилди. 1985 йилда жаҳон озиқ-овқат ҳавфсизлиги концепциясини тайёрлаш, ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш қоидалари, глобаль озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш учун заҳиралар яратиш, минтақавий ва миллий даражаларни қамраб олган ҳолда ҳалқаро ривожланиш стратегиясини белгилаш каби чоратадбирлар лойиҳаси қабул қилинди. Шундай қилиб, биринчи ва иккинчи босқичда жаҳон ҳамжамияти озиқ-овқат ҳавфсизлиги муаммосини англаб етди. Бироқ, ҳалқаро миқёсдаги сиёсат асосан миллий даражага эътибор қаратилган ҳолда олиб борилди. Учинчи босқич 1990-2002 йилларни ўз ичига олади. Бу давр озиқ-овқат ҳавфсизлигини нафақат глобаль даражада, балки миллий, минтақавий ва шаҳсий даражаларда ҳам кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши зарурати 1996 ва 2002 йилларда ўтказилган ФАОнинг умумжаҳон саммитини ўз ичига олади. 1996 йилдаги саммитда бутунжаҳон озиқ-овкат

хавфсизлигининг Рим декларацияси қабул қилинди. Рим декларациясида ўша даврнинг илмий ривожланишини инобатга олган холда озик-овкат хавфсизлиги тушунчасига янги таъриф берилди. Бунда "озиқ-овқат хавфсизлиги барча одамлар ўз озикланиш эхтиёжлари ва шахсий хохишларига биноан хамда фаол ва соғлом хаётни таъминлаш учун етарли микдорда хавфсиз ва туйимли озиковқат махсулотларига жисмоний ва иқтисодий жихатдан эга бўла олиши" белгиланди. Биринчи марта озик-овкат етишмаслигининг сабаблари булган иктисодий, ижтимоий, табиий ва иклимий жихатларга боғлик бошқа муаммолар билан ирга қашшоқлик муаммоси хам кўтарилди. Бундан ташқари, озиқовкат хавфсизлиги муаммосини хал килиш бутун дунё хамжамиятининг ягона максадга бирлашиши, яъни сайёрадаги хар бир инсонни озик-овкат билан таъминлаш комплекс ёндашувни ва мувофиклаштирилган ҳаракатларни талаб этади, деган хулосага келинди. 2015-йилда дунёда оч одамларнинг сонини 2 мартагача кисқартириш бўйича мажбурият қабул қилинди. 2002 йилги жахон озиқ-овқат саммитида 179 давлатнинг (73 таси укумат рахбарлари) барча иштирокчилари 1996 йилги Рим декларацияси доирасида ўз мажбуриятларини бажаришга содиклигини яна бир бор тасдикладилар, шужумладан, 2015 йилгача дунёдаги оч одамларнинг сонини кискартириш барча даражаларда озик-овкат хавфсизлигига эришишнинг пойдевори сифатида хам таъкидланди. Бунда озик-овкат хавфсизлиги таърифига жисмоний ва иктисодий имкониятдан ташкари ижтимоий имконият тушунчаси хам қушилди: "барча одамлар уз озиқланиш эхтиёжлари ва шахсий хохишларига биноан хамда фаол ва соғлом хаётни таъминлаш учун етарли микдорда хавфсиз ва тўйимли озиковкат махсулотларига эга бўлиши учун жисмоний, иктисодий ва ижтимоий имкониятлари мавжудлигидир". Шунингдек, бутунжахон озик-овкат саммити декларацияси ва уни амалга ошириш бўйича харакат режаси қабул қилинди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажариш ва амалга ошириш учун доимий равишда мониторинг фаолиятини йўлга құйиш зарурлиги белгиланди. Ушбу ёндашув ФАО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг очиқ маълумотлар базаси шаклланиши ва дунё микёсида озик-овкат хавфсизлиги нуктаи назаридан ишончли маълумотларни олиш имконини берди. Туртинчи боскич (2009 йилдан хозирги давргача) 1996 ва 2001 йилги Рим лекларапияси коила ва мажбуриятларни бажаришта каратилган булиб, озиковкат хавфсизлиги масалаларини бошкаришнинг янгича шакли намоён бўлди. Бунга 2008 йилда бошланган жахон молиявий-иктисодий инкирози сабаб бүлди ва 2009 йил Римда умумжахон саммити ўтказилди. Ушбу саммитда 50 та давлат рахбарлари ва 180 дан ортик вазирлар иштирок этди. Озиковқат хавфсизлигини икки ёқлама ёндашув асосида кўриб чиқилиши жорий этилди:

- 1) зудлик билан кўриладиган чоралар;
- 2) ўрта ва узок муддатли режалаштиришни кўшиб олиб бориш.

Ушбу саммит декларациясида озик-овкат хавфсизлигига янгича таъриф берилди. Озик-овкат хавфсизлиги – барча инсонлар фаол ва соғлом ҳаёт кечириш учун ўзларининг зарур диета эҳтиёжлари ва лилларига мос хавфсиз ва кимматли озик-овкатга етарли миклорла хар лоим эга бўлишнинг жисмоний, ижтимоий ва иктисодий имкониятларидир. Бунда озик-овкат хавфсизлиги концепцияси жиддий ўзгаришларга учрамади ва факатгина "кимматли озик-овкат" жихатлари билан тўлдирилди. Умуман олганда, кишилик жамияти тараккиётининг сўнгги 25 йиллик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1990-2015 йиллар давомида дунё бўйича ўта қашшоқлик даражасидаги ахоли сони 2,3 мартага, ривожланаётган мамлакатларда тўйиб овкатланмайдиган ахоли катлами 2 мартадан ортикка камайган ёки ижтимоий-иктисодий хаётнинг катор жабхаларида күплаб ижобий ривожланиш натижаларини кузатиш мумкин. Лекин гарчи бу каби натижалар қанчалик ижобий тавсифга эга бўлмасин, жахон ахолисининг барқарор озик-овкат таъминоти тўлаконли ўз ечимини топа олгани йўк. Бу масалага Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2014 йил 5-6 июнда Тошкент шахрида ўтказилган "Ўзбекистонда озик-овкат дастурини амалга оширишнинг мухим захиралари" мавзусидаги халқаро конференция очилиш маросимидаги нутқларида алохида эътибор қаратилиб, қуйидаги бир қатор ижтимоий-иқтисодий жихатлар кўрсатиб ўтилган : Биринчидан, "БМТнинг Озик-овкат ва кишлок хўжалиги ташкилоти хамла Жахон соғликни саклаш ташкилоти маълумотларига кўра, хозирги вактда дунёда 840 миллиондан ортик киши, яъни деярли хар саккиз одамнинг бири түйиб овкатланмаяпти, сайёрамиз ахолисининг 30 фоизидан зиёди түлаконли равишда овкатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмокда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортик бола бүйининг усиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмокда." Бу озик-овкат хавфсизлиги ва уни таъминлашнинг халкаро эътирофдаги мухим тамойиллари – жисмоний, ижтимоий ва иктисодий жихатдан озик-овкат махсулотларини олиш имкониятлари яратиб берилмаётганлигини кўрсатади. Иккинчидан, маърузадаги яна бир эътиборли жихат – "озик-овкат махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларининг ўсишидан ортда қолаётганлиги" ёки "Ер юзи ахолисининг тез күпайиб бораётгани билан озик-овкат махсулотлари ишлаб чикариш хажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озик-овкат дастурини хал этиш масаласи йилданйилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби эканлиги" дир. БМТнинг Озик-овкат ва кишлок хўжалиги ташкилоти меъёрларига кўра инсоннинг нормал ҳаёт кечириши учун йилига 1 тонна ғалла истеъмоли талаб этилиши шароитида, амалдаги ўртача истеъмол кўрсаткичи 400 кг.ни хам ташкил этмаяпти. Бу холат озик-овкат махсулотлари ишлаб чикариш масаласи якин истикболда хам глобаль даражадаги энг мухим муаммолардан бири сифатида сақланиб қолиниши кутилаётганлигини кўрсатади. Учинчидан, маърузада таъкидланганидек, "2008-йилда бошланган инкироз билан боғлик вокеалар барчамизнинг эсимизда, ўшанда жахон микёсида нарх-наво кўтарилиб, озик-овкат таъминотида узилишлар юзага келгани Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўплаб давлатларида норозилик ва оммавий тартибсизликларга сабаб булган, бутун дунёда баркарорликка нисбатан жиддий хавф-хатарга айланган эди." Бундан куринадики, озик-овкат хавфсизлиги муаммосининг мутаносиб даражада хал этилмай қолинаётганлиги глобаль ижтимоий барқарорликка тахдиднинг ўзига хос унсури, ижтимоий-иктисодий маконда эса сиёсий омил таъсирини кучайтирувчи "катализатор" тавсифига эга бўлмокда. Буни шу бугунги кунда Европа Иттифоки амалиётила ўзига хос долзарб муаммо – кочоклар ва тартибсиз миграция окими мисолида хам яккол кузатиш мумкин. Албатта юкорида келтирилган катор статистик маълумотлар ва тахлилий мулохазаларнинг нечоғлик бизнинг хаётимизга дахлдорлиги масаласи эътиборимизни тортиши табиий. Шу жихатдан хам, дунёнинг кайси бурчагида, ижтимоий хаётнинг кайси жабхасида булмасин, юзага келган ёки ўз ечимини топмаётган муаммолардан Ўзбекистон хам четда кола олмайди. Шу нуктаи-назардан хам республикада 1997 йил 30 августда қабул қилинган ва 2017 йил 18 апрелда ўзгартириш ва қушимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўгрисида"ги қонуни, айниқса 2015 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси ахолисининг соғлом овкатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-талбирлар комплексини тасликлаш тўғрисила" карори мазкур масалага принципиал миллий ёндашувнинг мохиятини кўрсатиб бера олади.

2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси ахолисининг соғлом овкатланишини таъминлаш концепцияси:

 ахоли томонидан сабзавотлар ва мевалар истеъмол килинишини 15 фоизга купайтириш; таркибида туз кўп бўлган озик-овкат махсулотларини истеъмол

қилишни 15 фоизга қисқартириш;

- овкатланиш рациони соғлом овкатланиш принципларига мос бўлган хомиладор аёллар, чақалоқлар ва беш ёшгача болалар улушини 10 фоизга кўпайтириш;
- тамаки истеъмол қилишни ва алкоголни зарарли истеъмол қилишни 10 фоизга қисқартириш;
- соғлом, хавфсиз ва сифатли кишлок хужалиги мева-сабзавот ва гушт-сут махсулотларини мамлакатимизда етиштиришни кенгайтириш;
- таркибида шакар, туз, туйинтирилган ва трансёғли кислоталар кам булган махсулотларни етиштириш, қайта ишлаш ва реализация қилиш хажмини кўпайтириш;
- витаминлар ва зарур минераллар билан бойитилган махсулотларни ишлаб чиқариш улушини кўпайтириш имконини беради.

Натижада Ўзбекистон АҚШнинг "The Economist Intelligence Unit" изланишлар маркази томонидан 2016 йилда ўтказилган тадқиқотга кўра, жахон мамлакатлари озиқ-овқат хавфсизлиги рейтингида 64ўринни эгаллади. Мазкур рейтинг индикаторлари кесимида, Ўзбекистон озик-овкат нархи бўйича 57ўринни, озик-овкат махсулотлари хажми бўйича 65-ўринни, озик-овкат махсулотлари сифатида 83ўринни қайд этган. Тадкикот маркази хулосаларига кўра, Ўзбекистонда бугунги кунда ахоли жон бошига хар күни 39000 калория озик-овкат махсулотлари етиштирилмокда, бу ўрнатилган энг фаол ахоли талабидан (3000 калория) 13 мартага кўпдир . олаверса, мамлакат озик-овкат саноатида 10 мингта корхона 3 минг турдан зиёд озик-овкатмахсулотдарини ишдаб чикармокда. Юкоридагидардан кўриниб турибдики, озик-овкат хавфсизлигини таъминлашга ёндашувлар хар бир мамлакат учун миллий хавфсизликнинг ажралмас кисми сифатида унинг хам вертикал, хам горизонтал тузилмаларида бирдек намоён бўлиши кўзда тутилади.

Хулоса ва таклифлар

Бир сўз билан айтганда, инсоният ўз тарихий тараккиёти давомида илк бор глобаль хавфсизлик тушунчасини ёки муаммосини ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида ҳис қилмокда. Бунда ахолини озик-овкат махсулотлари билан таъминлаш масаласи алохида ўрин эгаллаб, замонавий иқтисодиётда «озиқ-овқат хавфсизлиги» тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Амалга оширилган тадкикот натижаларини умумлаштириш куйидаги назарий хулосаларни ишлаб чикиш имконини беради:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча босқичларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси доимий тарзда юзага келади;
- алохида минтакаларда озик-овкат хавфсизлигини таъминлашнинг катъий тизими фаолият кўрсатмайди.
- табиий, ижтимоий-иктисодий ва бир катор сабабларга кура озик-овкат махсулотлари ишлаб чикариш ва унинг импортида доимий ўзгаришлар содир бўлади.

Юкоридагиларнинг барчаси мамлакатни озик-овкат билан таъминлаш хавфини оширади ва бу озиқ-овқат хавфсизлигининг доимий муаммосига айланади.

Тадқиқот доирасида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- миллий бозор яхлитлигини таъминлаш, мамлакат минтақалари ўртасида уларнинг табиий, демографик, иктисодий салохиятидан келиб чиккан холда ихтисослашув хамда ўзаро интеграцион жараёнларни чукурлаштириш;
- озиқ-овқат хавфсизлиги тизимида ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш ва шу орқали таннархни изчил пасайтириш, миллий махсулотларнинг импорт товарларга нисбатан хам нарх, хам сифат устунликларини саклаб колиш;
- ахоли истеъмол харажатлари таркибида озик-овкат махсулотларининг оптимал улушини таъминлаш, бу борада нархларнинг турли омиллар таъсирида кескин тебранишига йул куймаслик;
- озик-овкат махсулотлари нархининг ва ахоли даромадларининг тизимли ўсиб бориши шароитида кузатиладиган талабнинг ошиши ва хилма-хиллашувини инобатга олган холда таклиф хажми ва ассортиментини кенгайтириш чораларини кўриш;
- ташки савдо сиёсатида, жумладан, озик-овкат махсулотлари экспорт ва импорти хажмлари ўртасида ижобий балансни таъминлаш бошка стратегик секторлардаги каби бир томондан, мамлакатнинг ташки босимларга бардошлилигини оширади, иккинчи томондан, нокулай бозор коньюнктураси шароитида хам мамлакат ўзининг миллий озик-овкат хавфсизлиги салохиятини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Хомидов Миродилжон Хасанбой ўгли. Ўзбукистонда иктисодиётни трансформациялашуви 1. шароитида саноат тармоклари ва корхоналари кооперациясини ривожлантиришнинг ахамияти.
- 2. Серова Е.В. К вопросу о продовольственной безопасности. – http://www.iet.ru/.
- Балабанов В.С., Борисенко Е.Н. Продовольственной безопасность: международные и 3. внутренние аспекты. – М.: Экономика, 2002; 22 с.
- Фролов К.В., Гордеев А.В., Масленникова О.А. и др. Безопасность России. Раздел 2 / М.: 4 Знание, 2001; 101 с.
- 5. Анфиногентова А.А., Ермолаева О.В., Киреева Н.А. и др.; под ред. Анфиногентовой А.А. Продовольственной безопасность России: проблемы и перспективы – Саратов: Издательство Саратовского государственного аграрного университета 2004; 14 с.
- Кудряшова А.А., Пресняковалар О.П. Продовольственной безопасность: показатели, критерии, 6. категории и масштабы. //Пищевая промышленность. М.: 2007;8:18-21.
- 7. Каламбет А. О продовольственной безопасности России. - http://www.armiavn.ru.
- Ленчевский И.Ю. О некоторых аспектах продовольственной безопасности //Ж. Достижение 8. науки и техники АПК. М. 2003:1:6-9.
- Хатомова Хуршида Очилдиевна Озиқ-овқат савдосига ихтисослашган корхоналарда 9 инновацион технологияларнинг қўлланилиши.
- 10. Набиева Нилуфар Муторовна Мамлакатимизда озик-овкат хавфсизлигини таъминлаш ва унинг долзарб масалалари.
- 11. Расулова Шарифа Ғайбуллаевна Озиқ-овқат саноат корхоналари фаолиятини бошқариш ҳамда корхоналар иктисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

Қабул қилинган сана 20.11.2024

